

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ИНТЕГРАЦИЯЛАШГАН ҲИСОБОТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6579625>

Б. Ю.Махсудов

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

З.Абдувалиев

Тошкент архитектура-қурилиш институти

Аннотация: Тадқиқотда рақамли иқтисодиёт шароитида интеграциялашган ҳисобот шакллантиришни хусусиятлари тадқиқ этилган. Шунингдек, бошқарув ҳисобини рақамлаштириш, реинжиниринг технологияси орқали амалга ошириладиган бизнес жараёнларини қайта лойиҳалаш билан боғлиқ бўлган жиҳатлар ва юқори даражадаги кибер-рисklar ва фирибгарлик рискларининг мавжуд бўлиши каби хусусиятлар батафсил ўрганилган. Рискларни бошқариш методларини тавсифи келтирилган. Рақамли иқтисодиёт шароитида интеграциялашган ҳисоботни шакллантиришни такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч иборалар: рақамли иқтисодиёт, интеграциялашган ҳисобот, реинжиниринг технологияси, кибер-рисklar, фирибгарлик рисклари, рискларни бошқариш, рақамлаштириш жараёни

Аннотация. В ходе исследования были исследованы особенности формирования интегрированной отчетности в условиях цифровой экономики. Кроме того, были подробно изучены такие функции, как оцифровка управленческого учета, аспекты, связанные с перепроектированием бизнес-процессов, которые осуществляются с помощью технологии повторного внедрения, и наличие высокого уровня рисков киберпреступности и мошенничества. Дано описание методов управления рисками. В условиях цифровой экономики были разработаны предложения и рекомендации по совершенствованию составления интегрированной отчетности.

Ключевые понятие: цифровая экономика, интегрированная отчетность, технология реинжиниринг, кибер-риски, риски мошенничества, управление рисками, процесс цифрования

Annotation: The study investigated the features of the formation of Integrated Reporting in the conditions of the digital economy. Also, features such as management accounting digitization, aspects related to the re-

design of business processes that are carried out through reinciniring technology, and the availability of high levels of cybercrime and fraud risks have been studied in detail. Description of risk management techniques are given. In the conditions of the digital economy, proposals and recommendations have been developed to improve the formulation of an integrated report.

Keywords: *digital economy, integrated reporting, reinciniring technology, cyber-risks, fraud risks, risk management, digitization process.*

КИРИШ

Жонажон Ватанимиз – Ўзбекистонимиз буюк ўзгаришлар арафасида турибди. Дунё миқёсида глобал тинчлик ва барқарорликка, инсоният томонидан неча минг йиллар давомида яратилган қадрият ва анъаналарга қарши таҳдид ва хатарлар кучайиб, турли давлатлар ўртасида рақобат тобора шафқатсиз тус олаётган, мамлакатимиз ўз тараққиётининг сифат жиҳатидан мутлақо янги босқичига қадам қўяётган ҳозирги ғоят мураккаб ва масъулиятли даврда ўз олдимизга аниқ стратегик мақсадлар қўйиб, истиқбол режаларини белгилаб олиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда шу мақсадда Янги Ўзбекистон стратегияси ишлаб чиқилди. Бу муҳим концептуал ҳужжатда ислоҳотларимизнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлаш мақсадида «Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари» деган тамойил асосий ғоя ва бош мезон сифатида кун тартибига қўйилди.

Тараққиёт стратегияси доирасида амалга ошириладиган энг устувор вазифаларни “учинчиси миллий иқтисодиётни, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида ривожлантириш”[1] ҳисобланади. Ушбу вазифани ҳал қилиш хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини ривожланиши билан узвий боғлиқдир. Бунда интеграциялашган ҳисоботни шакллантириш катта аҳамият касб этади.

Интеграциялашган ҳисобот ижрочилар билан бошқарувни боғловчи звено ҳисобланади. Унда молиявий ва номолиявий кўрсаткичлар орқали компания ресурслари, хусусан, компания харажатлари, маҳсулот (ишлар, хизматлар) ва омборда қолган товарларни жўнатиш тўғрисидаги маълумотлар, кредитни қайтариш тўғрисидаги маълумотлар, риск муҳити тўғрисидаги маълумотлар ва бошқа бошқарув ҳисоби маълумотлари тўлиқ акс этирилади. Шу

боисдан ҳам мазкур ҳисоботни шакллантириш учун муҳим ахборот базаси бошқарув ҳисоби деб ҳисоблаш мумкин.

Рақамли иқтисодиёт компанияларга ўз рақобатбардошлигини сақлаш ва бизнес жараёнларини оптималлаштириш учун ташқи муҳитнинг янги шарт-шароитларига мос бошқарув тизимини қуришни тақозо қилади. Шу боисдан ҳам компаниянинг рақобатбардошлигига ва хусусан, интеграциялашган ҳисобот таркибининг стратегик кўрсаткичларини шакллантириш жараёнига таъсир кўрсатадиган рақамли иқтисодиёт шароитида интеграциялашган ҳисоботда ахборотларни ошкор қилиш хусусиятларини ўрганиш долзарб масала ҳисобланади.

Одатда интеграциялашган ҳисоботда капитал турлари, қийматнинг яратиш жараёнини изоҳловчи элементлари тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилади ва уларнинг асосий ахборот базаси бошқарув ҳисоби ҳисобланади.

Бошқарув ҳисоби интеграциялашган ахборот тизими сифатида бизнес тузилмаларини ривожлантириш векторини шакллантирадиган менежментга асосланган бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур бўлган кўп функционалли, юқори сифатли ва тезкор ахборотларни тақдим этиш учун мўлжалланган.

Шундай қилиб, бошқарув ҳисобида шакллантирилган маълумотлар базаси интеграциялашган ҳисоботни тайёрлаш учун асос бўлиб хизмат қилади ва мазкур ҳисоботда зарур бошқарув қарорларини қабул қилиш учун компания фаолияти ва унинг ташқи муҳити ҳақидаги режа, ҳақиқий ва прогноз маълумотлар акс эттирилади.

Бошқарув ҳисобининг ахборот базасини шакллантиришда компаниялар турли воситалардан, масалан бошқарув ҳисоби учун ўта муҳим бўлган бюджетлаштириш, четланишлар таҳлили, харажатлар-маҳсулот ҳажми-фойда таҳлилидан фойдаланади. Ҳозирги кунда компаниялар ҳар йили йиллик бюджетларни тузади, ушбу бюджетлар компанияларни узоқ муддатли режаларига асосланади ва шунинг учун узоқ муддатли мақсадларга эришишида яқиндан ёрдам беради. Четланишлар таҳлили бюджетлар ва ҳақиқий натижаларни таққослаш демакдир. Бу таққослаш менежерларга режалардан четга чиқишлар ҳақида ўз вақтида маълумотлар олиш имконини беради ва бу четланишлар ўз навбатида ижобий ёки салбий бўлиши мумкин.

Харажатлар-маҳсулот ҳажми-фойда таҳлили менежерларга зарарсизлик нуқтасини аниқлаш имконини беради. Бошқа муҳим усуллар: стратегик бошқарув, инкремент таҳлили, инвестициялар

рентабеллиги таҳлили, рискларни бошқариш ва ҳ.клар ҳисобланади.

Компаниялар ушбу методларни самарали қўллаш билан бирга нафақат бошқарув ҳисоби методларини, балки мазкур ҳисобнинг тўлиғича такомиллаштиришга қаратилган замонавий рақамли технологияларни жорий этишга киришди. Бунга замонавий рақамли иқтисодиёт бизнесни олдида тезкор маълумотларни қайта ишлаш ва бизнес жараёнларини автоматлаштириш каби юқори талабларни қўяётганлиги сабаб бўлмоқда. Катта ҳажмдаги воситачилик фаолияти компаниялар фаолиятини мураккаблаштиради ва фирибгарлик рискни оширишига олиб келади. Кўплаб ишбилармонлар рақамли технологияларнинг жадал ривожланаётганлигини ҳисобга олган ҳолда АТ соҳасида илғор технологияларни жорий этиш орқали ўз фаолиятини рационаллаштиришга интилмоқда. Бу технологияларни жорий этишда ишлаб чиқариш харажатларини камайтирилиши, компанияларда меҳнат унумдорлигини оширилиши, шунингдек, интеграциялашган ҳисоботни шакллантириш учун ишончли ахборот базасини яратилиши масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу жараёнлар компанияларни ўз фаолиятини рақамлаштиришида дуч келадиган интеграциялашган ҳисоботда ахборотни ошкор қилиш хусусиятларини пайдо бўлишига олиб келади. Шу муносабат билан рақамли технологияларни компаниялар фаолиятига жорий этишда улар фаолиятини ўзига хос хусусиятларига алоҳида эътибор қаратиш ва ушбу хусусиятларни интеграциялашган ҳисоботда маълумотларнинг ошкор этилишига ва хусусан, таркибий элементларининг стратегик кўрсаткичларини шакллантиришга таъсирини баҳолаш зарур деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар шарҳи

Иқтисодий адабиёт таҳлили интеграциялашган ҳисобот борасида соҳа олимлари ўртасида ягона бир қараш мавжуд эмаслигини кўрсатди. Уларда интеграциялашган ҳисоботга турлича таъриф берилаётганлигини кўриш мумкин. Жумладан, В. Г. Когденко ва М. В. Мелникларни фикрига кўра, “корпоратив ҳисоботнинг истиқболи интеграциялашган ҳисоботдир”[2].

М. А. Вахрушина “Ҳисоботнинг глобал ривожланишининг замонавий парадигмаси интеграциялашган ҳисоботга ўтишдан иборат” [3], - деб таъкидлаган.

Л. Н. Герасимова ҳам шундай фикрга эга. Унга кўра, “интеграциялашган ҳисобот ҳозирги кунда жаҳон миқёсида молиявий ҳисобот ривожлантириш борасидаги асосий вектор бўлиб

ҳисобланади, “интеграциялашган ҳисоботларни тайёрлаш корхоналарнинг ишлаб чиқариш, иқтисодий, ижтимоий фаолияти ва жамият фаолияти шаффофлигини бутунлай янги босқичга олиб чиқади” [4].

Тадқиқотчи Н.Малиновскаяни таъкидлашча, “Интеграциялашган ҳисобот “ҳисобот тақдим этаётган субъектнинг миллий ёки халқаро эътироф этилган стандартлар асосида шакллантирилган ва манфаатдор фойдаланувчилар манфаатларини қондириш учун тан олинган корхона учун қиймат яратиш имконияти, қисқа, ўрта ва узоқ муддатдаги манфаатдор томонлари ҳамда бизнес-моделли ҳақида тизимлаштирилган ҳақиқий ва прогноз молиявий ҳамда номолиявий ахборотлардир” [5].

Т. Серебряковани фикрича, “Интеграциялашган ҳисобот молиявий, номолиявий ва корпоратив ҳисоботларни бирикмаси эмас, балки интеграциялашган ҳисоб натижасидир, яъни бу қисқа, ўрта ва узоқ муддатли даврларда компания қийматини унинг элементлари кесимида яратиш ва сақлаб туриш учун молиявий капиталнинг самарадорлиги ҳақида маълумотларни ошкор этишни таъминлайдиган интеграциялашган ҳисоб тизимида тўпланган, ҳисобга олинган ва муайян шаклда умумлаштирилган маълумотларнинг тақдим этилишидир” [6].

С. Филиппенковга кўра, “Интеграциялашган ҳисобот активлар ва маълумотларнинг батафсил рўйхатига (молиявий ҳисоботга нисбатан) эга бўлиши лозим ва бу уларнинг мақсади ҳамда ҳажмини баҳолаш имкониятини яратиши керак” [7].

Тадқиқотчи Р.Каспинани ёзишича, “Интеграциялашган ҳисобот биринчи навбатда, компания стратегияси, ушбу стратегиянинг қисқа, ўрта ва узоқ муддатли истиқболда қиймат яратиш қобилияти билан, шунингдек, компания томонидан ишлатиладиган капитал билан боғлиқлиги ва уларга таъсир кўрсатиш ҳақида маълумотлар тақдим этиши керак. Бошқача қилиб айтганда, бундай ҳисобот компаниянинг нафақат ўтмишдаги фаолиятини тавсифлашга, балки истиқболига ҳам йўналтирилган бўлиши, прогнозлаштириш функциясини бажариши керак” [8].

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотда кузатиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш, гуруҳлаш, таққослаш каби усуллардан фойдаланилган. Шунингдек, маҳаллий ва хорижий олимларнинг рақамли иқтисодиёт шароитида интеграциялашган ҳисобот шакллантиришни хусусиятларига

бағишланган тадқиқотлари, соҳани тартибга солувчи қонунлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш асосида илмий асосланган хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида интеграциялашган ҳисоботда ахборотларни тақдим этишнинг биринчи хусусияти сифатида бошқарув ҳисобини рақамлаштиришни кўрсатиб ўтиш мумкин. Чунки компанияларнинг интеграциялашган ҳисоботларини ўрганиш натижасида уларнинг аксарияти мазкур ҳисобни рақамлаштираётганлиги ва бунинг учун рақамли технологиялардан (масалан, IT- система, Agile, Process Mining технологияси, Business Ontology, Big Data ва бошқалар) фойдаланилганлигини кўрсатди. Мисол учун, айрим компанияларда SWOT-таҳлили, омиллар таҳлили, бенчмаркинг ўтказилади. Шу билан бирга, компанияда рақамли технологияларни жорий этиш ва катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қилиш асосида жараёнларнинг мантиғини ўзгартириш ва рискка йўналтирилган бошқарувга ўтишга қаратилган рақамлаштириш амалга оширилмоқда.

Баъзи компанияларда меҳнат муҳофазасини бюджетлаштириш, фақатгина ички ва ташқи омилларни эмас, балки уларнинг ўзаро таъсирини баҳолашни ҳам концептуал равишда кўрсатишга имкон берадиган экологик SWOT-таҳлили ўтказилади. Компаниялар шунингдек, бизнес жараёнларини бошқариш ва таҳлил қилишнинг рақамли воситаларини ўз фаолиятига жорий этмоқда. Мисол учун, барча асосий соҳаларга оид батафсил маълумотларни тезда олиш, жараённи бажариш циклининг давомийлигини ўрганиш ва керакли оптималлаштириш йўллари аниқлаш имконини берадиган Process Mining каби рақамли воситалардан фойдаланилмоқда.

Бир гуруҳ компаниялар бошқарув ҳисоби доирасида режалаштириш, бюджетлаштириш, прогнозлаштириш, самарадорлик ва рисклар таҳлилин амалга оширмоқда. Шу билан бирга, компаниялар рақамли технологияларни нафақат қурилмалар самарадорлигини ошириш, балки ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштириш мақсадида ҳам жорий этмоқда.

Компаниялар ўз фаолиятида устувор бозорлар ва ҳудудларни рақобат таҳлили ва бенчмаркингини ўтказди. Шунингдек, четланишлар таҳлили, SWOT-таҳлили, PEST-таҳлили ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тенденцияларга мос равишда компаниялар бизнес-жараёнларини рақамлаштириш, айнан компанияларни рақамли

трансформациялаш (Multi-Дни амалга ошириш ва бошқалар) билан ҳам шуғулланмоқда. Шу билан бирга, компаниялар рақамлаштириш соҳасидаги рискларга ҳам алоҳида эътибор беришга ҳаракат қилмоқда.

Компанияларнинг амалий фаолиятида қўлланилаётган ушбу рақамли технологиялар бизнес-жараёнларини оптималлаштириш, меҳнат харажатларини камайтириш, ишончли ахборотларни тақдим этиш тезкорлигини ошириш орқали бошқарув ҳисобини ривожланишига олиб келади. Бу эса интеграциялашган ҳисоботларда акс эттириладиган маълумотларнинг рақобатбардошлиги ва аниқлигини ошириш имкониятини яратади. Компаниялар интеграциялашган ҳисоботда қўлланиладиган рақамли технологиялар ҳақидаги маълумотларни контент элементларининг стратегик кўрсаткичлари сифатида ошкор қилишлари мумкин. Чунки ушбу маълумотлар ресурс ёндашувини баҳолаш мезонлари талабларига жавоб беради, у қимматли, ноёб, такрорланмас ва алмаштириб бўлмас маълумотлардир. Шу билан бирга, компания фаолиятига рақамли технологияларни жорий этиш нафақат бизнес жараёнларда ўзгаришлар юз беришига сабабчи бўлади, балки ахборот хавфсизлиги бўйича таҳдидларни ҳам келтириб чиқаради ва киберрискларнинг пайдо бўлишига ҳам олиб келади.

Рақамлаштириш шароитида интеграциялашган ҳисоботни шакллантиришнинг иккинчи хусусияти сифатида реинжиниринг технологияси орқали амалга ошириладиган бизнес жараёнларини қайта лойиҳалаш билан боғлиқ бўлган жиҳатларни кўрсатиш мумкин. Мазкур жиҳатлар бизнесни рақамли трансформацияси ва охи-роқибатда аввал қўлланилган бизнес-моделни ўзгариш жараёнлари билан узвий боғлиқдир.

«Реинжиниринг» атамасини илк бор профессор Майкл Хаммер қўлаган. Уни фикрига кўра, “компаниялар ўз самарадорлигини кескин ошириш мақсадида бизнес-жараёнларни тубдан қайта ташкил этиш учун АТ имкониятларидан кенг фойдаланишлари лозим”[9]. Бизнес-реинжиниринг янгича фикрлаш, яъни компанияни тузишга муҳандислик фаолияти сифатида қарашни назарда тутди. Компания ёки бизнесга муҳандислик тамойилларига мувофиқ яратилиши, ишлаб чиқилиши ёки қайта ишлаб чиқилиши мумкин бўлган нарса сифатида қаралади.

Ҳозирги кунда реинжиниринг технологияси компания фаолиятининг турли соҳаларида қўлланилмоқда, албатта, йирик компаниялар ҳам

бундан мустасно эмас. Бизнес жараёни реинжиниринги корпоратив иқтисодий ахборот тизимининг архитектурасини ўзгартиришни ўз ичига олади. У:

- операцион даражада - бошқарув ҳисобининг ахборот оқимларини тезлаштириш, бизнес жараёнларида иштирокчиларни боғлаш ва бир вақтнинг ўзида бажарилган бизнес жараёнларини синхронлаштиришни яхшилашга имкон беради;

- тактик даражада - бизнес жараёнларни ташқи муҳитдаги ўзгаришларга мослашишга имкон берувчи бошқарув қарорларининг сифатини оширишга ёрдам беради;

- стратегик даражада - янги бизнес-жараёнларни лойиҳалаштириш ва мавжудларини қайта лойиҳалаштириш билан боғлиқ самарали қарорлар қабул қилинишини таъминлайди [10].

Шунга кўра, компания фаолиятига рақамли технологиялар жорий этилганда реинжиниринг нафақат компаниянинг бизнес жараёнларини тезда ўзгартиришга имкон беради, балки унинг фаолияти тўғрисидаги аниқ ва долзарб маълумотларни ўз ичига олган интеграциялашган ҳисоботнинг ахборот базасини шакллантириш имкониятини ҳам яратади.

Рақамли иқтисодиёт шароитида интеграциялашган ҳисоботни шакллантиришнинг учинчи хусусияти юқори даражадаги киберрисklar ва фирибгарлик рисklarининг мавжуд бўлишидир. Рисklarни бошқариш шубҳасиз топ менежментга ахборотлар етказиб берадиган бошқарув ҳисоби ва ички назоратнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Компаниялар ўз фаолиятида кўплаб рисklarга дуч келади. Амалиёт шуни кўрсатадики, кўплаб компанияларга репутация риски, экологик риск ва кибер рисklar энг кўп таъсир кўрсатади. Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида ва катта ҳажмдаги махфий ахборотларни сақлашга ёрдам берадиган АТ технологияларидан фойдаланилганда компания серверларига хакерлар ҳужумлари тез-тез учраб туради. Бу эса киберрисklarни келтириб чиқаради ва унга қарши компаниялар қарши курашиши ва камайитиришга ҳаракат қилишлари керак.

Рисklarни бошқариш компаниялар фаолияти учун муҳим ва катта аҳамият касб этувчи истиқболдаги натижалар ноаниқлигини баҳолаш билан биргаликда мавжуд бўлади. Бироқ, яратилган компания қиймати сифатида ифодаланган якуний фаолият натижалари танланган рисklarни бошқариш методига боғлиқ бўлади.

1-жадвалда хорижий олимлар томонидан таклиф этилган рискни бошқаришнинг асосий методлари тақдим этилган.

1-жадвал

Рискларни бошқариш методларини тавсифи

Рискларни бошқариш методларига таъриф берган олимлар			Рискларни бошқариш методларини тавсифи
В.Н. Урозовских	О.Н. Гримашевич ва А.С. Кошелева	Е.А. Гвоздева	
1. Рискдан воз кечиш методи			йўқотишларни пайдо бўлишини истисно қиладиган шароитларни яратишни билдиради
2.Рискларни локализация қилиш методи			ҳосил бўлиши мумкин бўлган зарар миқдорини камайтиришга қаратилган профилактик чора-тадбирларни амалга оширишни англатади
3. Рискни йўқотиш методи			компанияда бирон бир рискни юз беришини (зарарнинг пайдо бўлиши) ҳар қандай ҳолати бир қатор янги йўқотишларга олиб келмайдиган вазиятни яратишдан иборат
4. Рискларни қоплаш методи		х	фаолиятни стратегик режалаштириш, ташқи муҳит ҳолатини прогнозлаштириш, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий базани мониторинг қилиш, захиралар тизимини яратиш, фаол маркетинг тадқиқоти ўтказиш
х	5. Рискларни чеклаш		салбий ҳодиса юзага келиш эҳтимолини камайтиришга қаратилган профилактик процедураларни амалга ошириш;
х	6. Рискларни суғурталаш ёки риск аутсорсинги		юзага келадиган салбий ходисалар учун жавобгарлик учинчи томон компанияга ўтказилади

Иқтисодчи олимлар В.И. Авдийский, В.М. Безденежных, Е.Г. Катаева рискларни бошқаришда рискга йўналтирилган ёндашувдан фойдаланишни таклиф қилган. Улар мазкур таклифни қуйидагича асослаган: “рискга йўналтирилган ёндашув орқали компания “.....рискларни аниқлаш ва бошқаришга қаратилган сиёсати, процедуралари ва назорат чораларини баҳолаши ва агар керак бўлса, керакли тузатишлар киритиши керак” [11], яъни рискларни бошқариш тизимини шакллантириши лозим. Ушбу ёндашув рискларни алоҳида баҳолаш ва ҳар бир компаниянинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда ҳолатини ўрганишни талаб қилади” [12].

2017 йилда эълон қилинган COSO “Корхонанинг рискларини бошқариш. Стратегия ва фаолият самарадорлиги билан интеграциялаш”(COSO ERM) концепциясида рискларни бошқариш ва ички назорат тизими ўртасидаги ўзаро боғлиқлик қуйидагича асосланган: “Рискларни бошқариш корхонанинг ички назорат тизими, шунингдек стратегияси, корпоратив бошқаруви, манфаатдор томонлар билан ўзаро алоқаси ва фаолият самарадорлиги бошқаруви билан боғлиқдир” [13]. Дарҳақиқат, рискларни камайтириш ва назорат қилиш учун молиявий-хўжалик фаолиятининг барча субъектларига: ижрочилардан тортиб менежерларгача таъсир кўрсатиш керак.

Рискка йўналтирилган ёндашувнинг асосий вазифаси, уни қўллаш доирасидан қатъий назар, рискларни камайтириш орқали белгиланган мақсадларга эришишдир. Рискка йўналтирилган ёндашувнинг кенг тарқалганлигига риск юқори бўлган соҳаларга асосий эътибор қаратилиши сабаб бўлади. Бу ўз вақтида профилактик чора-тадбирлар кўриш, заиф томонларни аниқлаш ва бартараф қилишга олиб келади. Бу эса охир-оқибат рискни юзага келиши натижасида рўй берадиган салбий оқибатлардан қочиш имконини яратади.

Бизнингча, кибер-рисклар ва фирибгарлик рискинни бошқариш учун рискка йўналтирилган ёндашувдан фойдаланиш керак. Ушбу ёндашув юқори рискли лойиҳаларга эътибор қаратишга имкон беради ва рискларни камайтиришга олиб келади. Бизнингча, рискка йўналтирилган ёндашув рискли ҳодисалар юзага келиши ҳақида олдиндан огоҳлантиришга имкон беради ва рискли вазиятлар юзага келганда уларни иложи борича кичик йўқотишлар орқали баратараф қилишга олиб келади. Шу билан бирга, рискларни бошқариш методлари ва уларни камайтириш йўллари ҳақидаги маълумотлар интеграциялашган ҳисоботда «рисклар ва имкониятлар»

стратегик кўрсаткичи элементи сифатида акс эттирилиши керак. Бу манфаатдор фойдаланувчиларни компания фаолиятининг ушбу соҳаси ҳақида кўпроқ хабардор бўлишига хизмат қилади.

Хулоса ва таклифлар

Шундай қилиб, иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида интеграциялашган ҳисоботда ахборотларни тақдим этишнинг ўзига хос хусусиятларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) интеграциялашган ҳисобот маълумотларининг сифати ва аниқлигини ошириш учун бошқарув ҳисобини рақамлаштириш жараёнини такомиллаштириш;

2) бизнес жараёнларининг реинжиниринг технологиясини рақамли трансформация жараёнлари билан боғлаган ҳолда қўллаш;

3) рақамлаштириш жараёнлари билан боғлиқ рисклар ҳақидаги ахборотларни тақдим этиш.

Бу хусусиятлар нафақат интеграциялашган ҳисоботни шакллантириш методологиясига, шунингдек, анъанавий бошқарув ҳисоби воситаларига ҳам уларни ўзгаришга (трансформация) мажбур қилиш орқали таъсир кўрсатади. Рақамлаштириш ҳақидаги маълумотларни интеграциялашган ҳисоботда акс эттириш орқали компаниялар қиймат яратиш жараёнини такомиллаштирилишини намойиш этади ҳамда компанияни рақобатбардошлигини оширувчи ва инвестицион жозибадорлигини кучайтирувчи стратегик кўрсаткичларни яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://daryo.uz/k/2021/11/06/shavkat-mirziyoyevning-inauguratsiya-marosimida-sozlagan-nutqi/>

2. Когденко. В.Г. Интегрированная отчетность: вопросы формирования и анализа / В.Г. Когденко, М.В. Мельник // Международный бухгалтерский учет. – 2014. – №10. – С. 2–15. 6, 5-б.

3. Вахрушина. М.А. Парадигма бухгалтерского учета и отчетности в условиях глобальной экономики: проблемы России и пути их решения / М.А. Вахрушина // Международный бухгалтерский учет. – 2014. – №25. – С. 38 – 46. 2, 43-б.

4. Герасимова. Л.Н. Необходимость отражения в бухгалтерском учете информации нефинансового характера / Л.Н. Герасимова // Учет. Анализ. Аудит. – 2015. – №1. – С. 77 –81. 4, 78-б.

5. Малиновская, Н.В. Интегрированная отчетность: теория, методология и практика: диссертация ... доктора экономических наук: 08.00.12 / Малиновская Наталья Владимировна; [Место защиты: Финансовый ун-т при Правительстве РФ]. – Москва, 2016. – С.104.
6. Серебрякова, Т.Ю. Интегрированный учет и отчетность: институциональный подход / Т.Ю. Серебрякова // Учет. Анализ. Аудит. - 2016. - № 2. - С. 32.
7. Филиппенков, С.И. Формирование интегрированной публичной отчетности: концептуальные и методические вопросы / С.И. Филиппенков // Сибирская финансовая школа. – 2017. - № 5 (124). - С.52.
8. Каспина Р.Г. Учебное пособие по дисциплине «Принцип интегрированной отчетности» / Каспина Р.Г. - Казань, 2019. – С.3
9. Энциклопедия HR-автоматизации. – URL: http://hrm.Ru/db/hrm/Hammer_Michael/glossary.html
10. Реинжиниринг бизнес-процессов на основе корпоративной ЭИС. – URL: https://studopedia.ru/8_76294_glava--reinzhiniring-biznes-protsessov-i-proektirovanie-korporativnoy-eis.html
11. Рекомендации ФАТФ. - URL: http://eurasiangroup.org/Rekomendacii_FATF.pdf.
12. Авдийский В.И. Управление рисками как ключевой элемент обеспечения реализации риск-ориентированного подхода в деятельности хозяйствующих субъектов / В.И. Авдийский, В.М. Безденежных, Е.Г. Катаева // Экономика.Налоги. Право. - 2017. - № 6. - С. 8
13. Управление рисками. Правила игры меняются // Deloitte. –URL: <https://www2.deloitte.com/content/dam/Deloitte/ru/Documents/risk/Russian/rules-of-game-changing.pdf>